



Манзилли дастурлар бор, маблағ ҳам, аммо ижро нега суст?

3-с.

“Дардини “ўзимники” деб билиб, ҳар лаҳза ҳамнафас яшай олсак, бас...”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№19
(2347)

2026 йил
11 МАРТ,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА
КУНДАЛИГИ

Уюшма раиси хитойлик маслаҳатчилар билан учрашди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қажрамон Қуронбоев Хитой Халқ Республикасининг камбағалликка қарши курашиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган етакчи олимлари — Фудан университети профессори Ван Циаолин, Пекин педагогика университети профессори Чжан Си ва бошқа мутасаддилардан иборат делегация билан учрашди.



Меҳмонлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг маслаҳатчилари сифатида мамлакатимизга ташриф буюриб, маҳалла тизимида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

Маълумки, Хитой қисқа вақт ичида қарийб 900 миллион аҳолини камбағалликдан чиқаришга муваффақ бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли хитойлик экспертларнинг илмий ва амалий тажрибаси Ўзбекистонда маҳалла даражасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хитойлик экспертлар билан жорий йилда биргаликда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Режалаштирилган халқаро конференцияларни сифатли ташкил этиш, мутасаддиларнинг ўзаро ишчи ташрифларини йўлга қўйиш, мунтазам илмий тажриба алмашувларини олиб бориш каби масалалар муҳокамалар марказида бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



4-саҳифа

МУРОЖААТ



ОЗОДАЛИК — ХОНАДОНДАН, ОБОДЛИК — МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ!

Биз — дунёда энг меҳрли, оқибатли ва танти халқ фарзандларимиз. Халқимизнинг “Кўпчилик барака келтиради” деган ҳикмати замирида улкан ҳақиқат муҳасам. Тарихнинг ҳар қандай синови даврларида ҳам ота-боболаримиз бир-бирига елкадош бўлиб, ҳашар йўли билан каналлар қазиган, уйлар қурган, йўллар солган, масжид ва мадрасалар тиклаган.

Бугунги тинч ва фаровон кунларимизда ҳам ҳашар — миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланган. Туй бўлса — ҳашар, байрам бўлса — ҳашар! Бу анъана бизни янада яқинлаштиради, орамиздаги меҳр ришталарини мустаҳкамлайди. Айниқса, Наврўз ёки Ҳайит каби улғу айёмлар олдидан ўтказиладиган ҳашарлар янгилашиш ва поклашиш рамзидир. Халқимиз азалдан байрамни тоза кўнгил ва озода маскан билан кутиб олишни хосиятли, деб билган.

Халқимиз ҳашарга хайрли тadbир сифатида қарайди. Бундай пайтда меҳнат қилишнинг шуқуҳи ҳам бошқача бўлади. Ҳамма жон куйдириб ишлайди. Четда туришга, томошабин бўлишга ор қилади, “Эл орасида ким деган одам бўлдим”, дея андиша қилади. Энг муҳими, одамлар унинг моҳиятидаги элу юрт учун хизмат қилишдек эзгу мақсадни чуқур англайди.

“Қадриятда кадримиз бўлсин”, дейди ота-боболаримиз. Мана, ўша қадриятларимиз кадр топадиган дамларга санокли кунлар қолди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан, 2026 йил 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳашарга алоҳида ном берилди — “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” Демак, кимки Ватанимиз, маҳалласи ободлигига муносиб ҳисса қўшишни истаса, марҳамат, умумхалқ ишига дохил бўлсин!

Умумхалқ ҳашари муносабати билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “маҳалла еттилиги” аъзолари, фаоллар ва кенг жамоатчилик вакилларига мурожаати йўлланди. Мурожаат билан газетанинг 8-саҳифасида танишасиз!

БУГУНГИ
СОНДА:

Жамғарма тўлиқ жамғарилиши, маблағлар мақсадли ишлатилиши зарур

Таҳлиллар айрим ҳудудларда жамғармалар фаолияти етарли даражада самарали ташкил этилмаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, 17 та туман (шаҳар)даги 872 та маҳалланинг жамғармасига умуман тушумлар келиб тушмаган.

5-с.

Ютуқлар ўзимизники, бироқ камчиликлар ҳам...

“Маҳалла сервис компанияси”ни солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни бўлса-да, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан солиқ ҳисобланган ва ҳар бирига 1 миллион 700 сўмдан қарздорлик ёзилган.

6-с.

Бежавотир кунлар учун “еттилик”нинг барчаси бирдек масъул

Тинчликни таъминлаш, маҳалладаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат профилактика инспекторининг зиммасидаги вазифа эмас.

7-с.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Туйғулар тасвирларда жилоланганда...



Маҳаллада Хитой тажрибаси: камбағаллик қандай қисқаради?

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш масаласи давлат сиёсатида устувор вазифалардан бири саналади. Бу жараёнда маҳаллалар аҳоли билан яқин алоқада бўлиб, ижтимоий ҳимоя, тadbиркорлик ва бандликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.



Камбағалликни қисқартиришда Хитой тажрибаси жаҳон миқёсида эътиборга моликдир, чунки бу давлат қисқа вақт ичида миллионлаб аҳолисини камбағалликдан чиқаришга эришган. Шу жиҳатдан Хитой тажрибаси Ўзбекистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

“Еттилик”ни хитойлик экспертлар ўқитди

Хитой тажрибаси — ижтимоий сиёсатнинг тўлиқ мақсадли ва амалий моделидир. Ўзбекистон учун бу тажриба “барқарор камбағалликни қисқартириш” ва “иқтисодий ривожланишни кенгайтириш” бўйича муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулари Хитойнинг етакчи университетлари профессорлари билан онлайн мулоқотлар ўтказди. Хитой тажрибасини ўрганиш натижасида профессор Ван Циаолин ва профессор Чжан Ци Уюшма раиси маслаҳатчиси сифатида жалб қилинди.



10 март куни соат 23:59 да “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” доирасида овоз бериш бошланди. Жараён 20 март куни соат 23:59 га қадар давом этади.



Форс кўрφαзи давлатларидан 25 мингдан ортиқ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ Ватанга қайтарилди.



Ўзбекистоннинг ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ 77,09 миллиард долларга етди, бу — бутун статистика даври учун рекорд кўрсаткичдир.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ЖАРАЁН

“ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК” ОЙЛИГИ

шунчаки тadbир эмас, балки “бир ёқадан бош чиқариб” меҳнат қилиш фалсафасидир

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида йиғинлар фаолиятини такомиллаштириш, “еттилик” иш самардорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда маҳалланинг иштирокини кучайтиришга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди.



Долли АЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари.

Йиғилишда тизимдаги ишлар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Еттилик йўналиш бўйича маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, жараёнда кузатилаётган камчиликлар, сусткашликлар кўрсатиб берилди. Жумладан, жорий йилнинг февраль-март ойларида ташкил этилган “Тозалик ва озодалик” ойлиги доирасидаги ишлар муҳокамалар марказида бўлди.

Айтиш керакки, ойлик доирасида ҳар ҳафтанинг шанба кунлари оммавий ҳашарлар ташкил этиляпти. Тадбирларда асосий эътибор шунчаки тозалаш ишларидан иборат бўлиб қолмай, кенг қамровли экологик маданиятни шакллантиришга қаратилди. Режага асосан, жараёнда 3 миллионга яқин хонадонни таъмирлаш белгиланган. Бироқ таҳлилларга кўра, шу вақтгача амалда режа 24 фоизга бажарилган ёки 721 мингта хонадон таъмирланган, холос.

Ачинарлиси, Жиззах вилоятида 1 865 та хонадоннинг ташки девори, 1 135 тасининг ошхонаси, 1 272 тасининг ҳожатхонаси, 1 629 тасининг тандирхонаси ва 1 659 тасининг молхонасини таъмирлаш белгиланган бўлса-да, ҳозирга қадар бирорта иш амалга оширилмаган ёки ҳисоботларда акс эттирилмаган.

Худди шундай, ойлик доирасида 81 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлارни ободонлаштириш кўзда тутилган, бироқ амалда ишлар 13,2 фоизга бажарилган ёки атиги 10 минг 652 та турар-жойда ободлик юмушлари олиб борилган.

Мисол учун, Наманган вилоятида 265 та кўп қаватли уй-жойнинг кириш йўлакларини таъмирлаш режалаштирилган эди, аммо ҳозирга қадар режанинг 16 фоизи ёки 44 та бинода ишлар бажарилган, холос. Давлатобод, Янги Наманган, Косонсой туманларида умуман ишлар ташкил этилмаганини қандай тушуниш мумкин? Қабристонларни тартибга келтириш масаласида ҳам шундай манзарани дуч келинади.

Юқоридагилардан кўринадикки, афсуски, ҳали-ҳамон жойларда масъулиятни зиммасига олишдан қочиш, ишларни ўлда-жўлда ташкил этиш, ободлик ишларига панжа орасидан қараш ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, аҳолига энг яқин тузилма сифатида маҳаллалар фаолиятида бундай сусткашликлар кузатилиши мумкин эмас.

Йиғилишда “Тозалик ва озодалик” ойлиги шунчаки тозалик тadbiri эмас, балки халқимизнинг жипслиги, бағрикенглиги ва келажак авлод учун обод ва фаровон Ватан қолдиришга бўлган интилишининг амалий ифодаси экани таъкидланди. Унинг моҳиятида “бир ёқадан бош чиқариб” меҳнат қилиш фалсафаси ётиши қайд этилди. Жойларда ишларни ташкил этишда шу жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги ўқтирилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

МАҲАЛЛАДА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ: камбағаллик қандай қисқаради?

Тельман ўРИНОВ, Баҳром КУШБАҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати масъул ходимлари.

Келишув бўйича: — 8 992 та маҳаллада 55 мингдан ортиқ “маҳалла еттилиги” ходимларини онлайн ўқитиш; — 2026 йилнинг 9-13 март кунлари Сирдарё вилоятида амалий ўрганишлар ўтказиш; — ҳар ойда 208 та туман (шаҳар) бўлим раҳбарлари ва “оғир” тоифадаги “маҳалла еттилиги” ходимлар учун онлайн семинарлар ташкил этиш белгиланди.

1990 йилларда қашшоқ туманларга қаратилган махсус давлат дастурлари жорий этилди. 2001-2010 йилларда “бутун қишлоқни ривожлантириш” концепцияси асосида инфратузилмани яхшилаш устувор вазифа этиб белгиланди.

2013 йилдан кейин “аниқ (мақсадли) камбағалликни камайтириш” тамойили жорий қилиниб, ҳар бир қашшоқ хонадон, қишлоқ ва туман бўйича алоҳида маълумотлар асосида қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди. Бу ёндашув давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берди.

Хитой тажрибасида инфратузилмани ривожлантириш камбағалликни камайтиришнинг асосий омил сифатида қаралди. Натижада қишлоқ аҳолисининг бозорларга чиқиши осонлашди, меҳнат унумдорлиги ошди ва давлат хизматларидан фойдаланишдаги ҳудудий тафовитлар қисқарди. Инфратузилманинг яхшиланиши хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш учун ҳам замин яратди.

Хитой моделида асосий эътибор манзилли ёрдамга қаратилди. Ягона миллий ахборот тизими орқали камбағал аҳоли доимий равишда рўйхатга олинди ва маълумотлар ҳар йили янгиланган борилди. “Олти аниқлик” тамойили асосида кимга ёрдам берилиши, қандай лойиҳа орқали, қайси манбадан ва қандай натижа кутилаётгани аниқ белгилаб олинди.

Хитойнинг қашшоқ қишлоқларда камбағалликни камайтириш тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу муаммони ҳал

Дастлабки ўқув-семинар 2026 йил 9 февраль куни ташкил этилди. Унда Хитойда камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш ва жойларда уни амалга оширишда бевосита иштирок этган, катта илмий ва амалий тажрибага эга экспертлар иштирок этиб, маъруза қилди. Унда 832 нафар Уюшманинг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, 4 515 нафар маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва ижтимоий ходимлар иштирок этди.

Мазкур ўқув-семинарда 903 та “оғир” тоифадаги маҳаллада аниқ, амалий ва



ижро этиладиган режаларни шакллантириш, ҳар бир маҳалла ўз ҳудуди учун аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ва аҳоли таморқаларидан самарали фойдаланиш, барқарор даромад манбаларини яратиш ва жойларда режаларнинг ижросини назорат қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш асосий мақсад қилиб белгилаб олинди.

этишда комплекс ёндашув — инфратузилмани ривожлантириш, давлат хизматларини тенглаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хитой тажрибасига асосланган онлайн семинар-тренинг давомида мамлакатнинг камбағалликка қарши курашдаги самарали ва тизимли ёндашувлари, хусусан, манзилли ёрдам кўрсатиш, инфратузилмани ривожлантириш, таълим ва тиббиёт соҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш каби муҳим тажрибаларни аниқ рақамли маълумотлар билан таъминлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Хитой тажрибаси моҳиятини нима ташкил этади? Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида камбағалликни камайтириш масаласи ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада Хитой Халқ Республикасининг камбағалликка қарши кураш тажрибаси амалий ва стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Хитой 2020 йилга қадар мутлақ камбағалликни бартавроқ этганини эълон қилди ва 2021 йилдан бошлаб, камбағалликка қайта тушиб қолишнинг олдини олиш сиёсатига ўтди. Бу натижа инфратузилма, давлат хизматлари ва рақамли технологияларни ўйғунлаштирган мақсадли ёндашув асосида таъминланган.

Мамлакатда камбағалликка қарши кураш узоқ муддатли ва босқичма-босқич давлат стратегияси сифатида амалга оширилди. 1980 йиллардан бошлаб, қишлоқ ҳўжалиги қўллаб-қувватланди,

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛА ТАЖРИБАСИ БУЮК БРИТАНИЯДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Айни кунларда Буюк Британияда бўлиб турган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси “Bretwood Borough Council” раҳбарияти билан учрашди.



Учрашув аввалида Уюшма фаолиятига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Юртимизда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти, унинг жамият ҳаётидаги роли ҳамда сўнгги йилларда ушбу тизимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Масълумот учун, “Brentwood Borough Council” — Буюк Британиядаги маҳаллий ҳокимлик органидир. У туман даражасидаги кенгаш бўлиб, ўз ҳудудидаги аҳолига турли ижтимоий ва маиший хизматларни кўрсатади.

Хорижлик ҳамкорларда мамлакатимизда маҳалла тизимига қаратилган юксак эътибор, соҳа ходимлари фаолияти учун яратилган шароит ва имкониятлар, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тизимлари, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар катта таассурот қолдирди.

Музокаралар давомида маҳалла тизимининг ташкилий тузилмаси, фаолиятини молиялаштириш ва бюджет масалаларини йўлга қўйиш тизимлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Томонлар ушбу йўналишда тажриба алмашиш ва келгусида ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлашди.

МОҲИАТ

“Еттилик” хулосаси субсидия учун асос бўлади



Саҳифани “Маҳалла” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

“Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2026 йил 1 апрелдан:

- пилла етиштирувчиларга (ипак қурти боқувчи ва касаначиларга) “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида пиллачилик кластери ҳақиқатда пилла учун тўлаб берган маблағларнинг 35 фоизи миқдорига субсидия ажратилади;
- тутзорларда пилла кооперативи тузиш мақсадлари учун ушбу кооператив аъзоси ҳисобланадиган камбағал оилаларга (битта оиланинг бир нафар аъзосига фақат бир марта) 4 миллион сўмдан субсидия берилади;
- ипак қуртини парваришда зарур бўладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш учун касаначиларга 3 йил муддатга БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда фоизсиз ссуда тақдим этилади.

2026 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар пиллачилик кластерларининг пилла етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлари мол-мулк ва ер солиғидан озод қилинади. Шунингдек, ипак қурти уруғларини тайёрлаш ва қуртхоналарда пилла етиштириш бўйича мавсумий ишларга жалб қилинган аҳолининг мазкур фаолиятдан олган даромади солиққа қўрилмайди.



Томчилатиб сўғориш тизимини жорий этиш харажатлари учун тутзорларнинг ҳар бир гектарига 8 МИЛЛИОН СЎМГАЧА СУБСИДИЯ тақдим этилади.



Давлат ижрочиси қарздорнинг КЎЧМАС МУЛКИГА ҚЎЙИЛГАН ТАҚИҚНИ БЕКОР ҚИЛИБ, уни ундирувчиға ўтказишга ҳақли бўлди.



Дориларни рецепт бўйича ЧАКАНА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК учун жавобгарлик кучайтирилади.

2026 йил 11 МАРТ, ЧОРШАНБА

Маҳалла №19

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

ТАҲЛИЛ



ИБРАТ

Хива туманининг “Арвик” маҳалласидаги “еттилик” ходимлари камбағалликни қисқартиришда шунчаки рақамлар кетидан қувиш эмас, аниқ натижаларга эришишни мақсад қилишган.

РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ

Аслида, бир оилани камбағалликдан чиқариш кўпчилик ўйлагани каби осон иш эмас. Бунинг учун ҳар икки томон тенг ҳаракат қилиши керак. Давлат ҳар қанча имтиёзу имконият бергани билан ўша одамда хоҳиш бўлмаса, ҳаракатлар сувга сингиб кетаверади. “Еттилик” бу борада тарғиботи кучайтириб, жамоатчилик билан бирга иш олиб борапти. Натижада ўзини ўзи банд қилганлар сафи кенгайиб борапти.



Собиржон Собиров ҳам “Ижтимоий химоя ягона реестри”да рўйхатда турар эди. Бугун ўзига туқ инсонлардан. Хўш, қандай қилиб, рўйхатдан чиқди? Гап шундаки, ўтган вақт давомида ҳоким ёрдамчиси қўмағида унга ссуда (физсиз молиявий ёрдам) асосида мотоцикл берилган эди. Собиржон ундан фойдаланишнинг ҳадисини олди. Ҳозир юк ташиш ва балиқ сотишда фойдаланмоқда. Шунингдек, субсидия асосида олган мотокултиваторида ўзи ва маҳалладошларининг томорқа ерларини ҳайдаб бериш орқали қўшимча даромад топмоқда.

Манзилли дастурлар бор, маблағ ҳам, аммо ижро нега суст?

Маҳалладаги йўл, сув, электр, транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларга баҳо беради. Шу боис ҳудудларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш муҳим вазифага айланди.

Мурод **ФАХРИДДИНОВ**, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи.

Бу борада амалга ошириш лозим бўлган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда йиғинлар фаолияти, “еттилик” иш самарадорлиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда маҳалланинг иштирокига доир ишлар танқидий-таҳлилий руҳда қўриб чиқилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг

“Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”га қаролига асосан, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган 330 та маҳалланинг ҳар бирига Республика бюджетидан 5 миллиард сўмдан, жами 1 триллион 655 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган, манзилли дастурлар тасдиқланган. Хўш, амалда айни йўналишдаги ишлар ҳолати қандай?

Афсуски, қурилиш ишлари жорий йилнинг 1 мартидан бошланиши керак бўлса-да, зарур маблағ ажратилмагани сабабли ишлар ҳали-ҳамон бошланмаган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иккитадан, туман (шаҳар) ҳокимлари биттадан, жами 236 та шароити “оғир” маҳалла рўйхатини тасдиқлаши белгиланган эди.

Аммо ҳозиргача 8 та ҳудуд (Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм) халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси тасдиқлаган манзилли рўйхатга асосан, 139 та маҳалла рўйхати тасдиқланган, холос. Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва ушбу ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимлари Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кириладиган маҳаллалар манзилли рўйхатини ханузгача тасдиқламаган.

Қолаверса, инфратузилмани яхшилаш учун “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашулар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига қўра, камбағаллик даражаси юқори бўлган 903 та “оғир” тоифадаги маҳаллаларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ажратилган тақдирда, Республика бюджетидан яна 2 миллиард сўм маблағ йўналтириш қўзда тутилган. Ҳозиргача 11 та ҳудудда 772 та маҳалланинг манзилли дастурлари тасдиқланган. Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида бу ишлар бажарилмаган.



Тошкент шаҳрида камбағаллик даражаси юқори бўлган “оғир” тоифадаги маҳаллалар мавжуд эмаслиги билдирилган.

Маълумки, “Оғир” маҳаллаларда кичик қўёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўлимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига қўра, 903 та маҳаллада 300-500 кВт. кичик қўёш фотоэлектр станциялари барпо этиш бўйича ҳудудий ҳокимликлар ер участкаларини ажратиши (35 сотихдан кам бўлмаган) белгиланган. Амалда 5 та ҳудудда ер участкалари белгиланган талабга мувофиқ ажратилган. Хоразм ва Тошкент вилоятида эса 35 сотихдан кам бўлган ер майдонлари тақлифи берилган. Андижон, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоят ҳокимликлари бу бўйича аниқ маълумот тақдим этмади.



Кичик қўёш фотоэлектр станцияларини маҳалла ҳудудида барпо этиш орқали ҳар бир маҳаллада 3 нафардан, жами 2 700 нафардан зиёд камбағал оила аъзоларини иш билан таъминлаш режалаштирилган.



халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларига тасдиқлашга киритиши, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти бошқарма бошлиқлари манзилли дастурларни тасдиқлаш чораларини қўриши керак. Қолаверса, жорий йилнинг 15 мартидан бошлаб, ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган ишларнинг “Рақамли маҳалла” платформасига киритиб борилиши қўзда тутилган.



Саҳифани “Маҳалла” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Ҳар қарич ер даромаднинг манбаига айланган

Барча олти-арикликлар каби маҳалламиз аҳолиси ҳам тупроқ билан тилла-шишнинг ҳадисини олишган. Бу борада улар жуда катта ҳаётий тажрибага эга, десам асло муболаға бўлмайди.

Қамолдин МУРОДОВ, Олтиариқ туманидаги “Повулгон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

У боис нафақат аҳоли томорқаси, балки кўчаларда бир қарич ер буш қолмайди. Ҳар сотих ер даромад манбаи. Шунга муносиб тарзда яшаш ва турмуш фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ўзига хос яхши анъанамиз бор. Яъни, ҳар қуни эрта тонгдан ҳовли кўчаларни супуриб, сув сепиш одатга айланган. Саришталикдан дилингиз яйрайди. Ҳозирги кунда баҳорги ишлар янада авж олган. Кимдир томорқасида-

ги, яна кимдир кўчадаги ободонлаштириш ишлари билан банд. Бугун маҳалла ишсизликдан холи ҳудуд. Камбағаллик йил сайин қисқараяпти. Иш ўринларини янада кўпайтириш имконияти-миз бор. Ҳатто, қўшни маҳалла одамларини ҳам ишга тақлиф эта оламиз. Айниқса, томорқачиликни ривожлантириш — аҳоли турмушининг яхшиланшига сабаб бўлаяпти.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Илҳомжон Қамбаров ана шундай меҳнаткаш инсонлардан. У бугун ўз меҳнати, сабри ва гулчиликка бўлган меҳри билан эл оғзига тушди. Ховлисидан очилган ҳар бир гул — машаққатли меҳнат ва йиллар давомида тўпланган тажрибанинг меvasи, дейиш мум-



кин. Томорқаси чинакам даромад манбаига айланган. У болаликда ўқитувчи бўлишни орзу қилган. Аммо ҳаёт бошқа йўлга бошлади. То оила қўرғунчи-ча, турли соҳаларда меҳнат қилди. Энди зиммасидаги масъулият орта-гач, тирикчилик ташвиши билан хорижга ишлаш учун йўл олди. Ўзининг айтишича, ўзга юрда пул ишлаш — ватанда, оила бағрида топилган ризққа тенг бўлмас экан. Шу боис ватанга қайтиши учун тақлифлар бердим. Ниҳоят, 2 йилда оиласи бағрига қайтди. Томорқасида гулчиликни йўлга қўйди. Бунинг учун имтиёзли кредит олишига қўмақлашди. Ҳозир турмуш ўртоғи билан ўзини ўзи банд қилган. Қолаверса, 4 та доимий, 10 та мавсумий иш ўрни яратган.

Бошланишида даромад оз бўлди. Вақт ўтиб, ҳаммаси яхшиланди. Дастлабки йил 30 миллион сўмгача фойда қўрган бўлса, бугун йиллик даромади 100 миллион сўмни ташкил этапти. Имтиёзли кредит қарздорлигини муддатидан аввал епти. Тажрибадан маълумки, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини оддий оморларда сақлагандан қўра, сунъий совутиладиган оморхоналарда сақлаш орқали маҳсулот вазнини ушлаб қолиш имконияти ошади. Маҳалламизда мана шу омилини ҳисобга олган ҳолда, сунъий оморхоналар сонини кўпайди. Натижада етиштирилган маҳсулотнинг йил давомида халқимиз дастурхонига етказиб бериш имкониятига эга бўлди.



Давлат ва жамият бошқарувида фаолият юритаётган РАХБАР АЁЛЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ЙИЛЛИК ТОП-40 РЕЙТИНГИ эълон қилинди.



Аёллар уйида тадбиркорлик қилиши учун “ДАРОМАДЛИ АЁЛ” ДАСТУРИ йўлга қўйилади.



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: ўтган йили мамлакатда жами 879 минг 599 нафар тирик туғилиш ҳолатлари қайд этилди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ҲАМКОРЛИК

Туйғулар тасвирларда жилоланганда...

Жамиятни юксалтириш, халқнинг яшашга иштиёқини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Айниқса, маҳалла тизимида барча йўналишларни баробар ривожлантириш кутилган натижани бериши аниқ.



Жамшид ЧОРИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи.

Танлов натижаларига кўра, ҳар бир маҳалладан тақдим этилган асарларни ташкилий қўмита рўйхат асосида тартибга солиб, 8 992 та ранг-тасвир асари йиғиб олинди ҳамда республикада ташкил этиладиган кўргазмада иштирок этишини таъминлайди. Республика миқёсида ўтказиладиган кўргазманинг санаси ва ўтказилиш жойи қўшимча равишда эълон қилиниб, иштирокчилар тегишли тартибда хабардор қилинади.

Бугунги кунда тасвирий санъат инсонлар, хусусан, ёшлар камолотини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этапти. Дунёда мафруравий кураш кетаётгани, ёт ғоялар ёшларни амалга ошириш, фуқароларни ўз уйи ва кўчасини озода сақлаш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтиришга хизмат қилади.

Қолаверса, янги ҳамкорлик тизими Янги Ўзбекистон қиёфасини тараннум этишга қаратилган тасвирий санъат асарлари яратишни рағбатлантиради. Бундан ташқари, меморандум доирасида Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб борган ҳудудларда истеъдодли ёш rassomлар иштирокида тасвирий санъат асарлари кўргазмаси уюштирилади.

Мазкур ҳужжат доирасида “Янги Ўзбекистон: маҳалла – аъналар – инсоний кадриятлар” мавзусидаги ранг-тасвир асарлари танловини ўтказиш белгиланган. Унга кўра, танловнинг маҳалла bosқичини самарали ташкил этиш ҳамда ижодкорларни кенг жалб қилиш мақсадида республикадаги 8 992 та маҳаллада тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла bosқичида асарларни саралаш ишлари 2026 йил 14 март кунига қадар ўтказилиб, белгиланган тартибда туман (шаҳар) ташкилий қўмиталарига тақдим этилиши таъминланади. Маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси ижодкорларни танловга кенг жалб қилиш, шунингдек, асарларни қабул қилиш ва саралаш ишларини сифатли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“ДАРДИНИ “ЎЗИМНИКИ” ДЕБ БИЛИБ, ҲАР ЛАҲЗА ҲАМНАФАС ЯШАЙ ОЛСАК, БАС...”

Ҳар куни тоғ боши оқармай уйғонишга одатланганман. Ишни уйларимни саранжом-саришта қилишдан бошлайман. Хатто, кечки овқат учун ҳам тайёргарлик бошлаб қўяман. Сабаби, идорада иш жуда кўп. Айниқса, икки ой давом этган хатлов жараёнларида жонбозлик кўрсатишга тўғри келди.



Гулноза ЙЎЛДОШЕВА, Андижон шаҳридаги “Янги бўстон” ва “Ейилма” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Ўрганишлар натижасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудимиздаги 133 нафар хотин-қизни “Аёллар дафтари”га киритдик. Уларнинг 26 нафари ишсиз ҳисобланиб, барчаси меҳнат қилиш иштиёқини билдирди. Жорий йилда кредит ва сўда акратиси орқали опа-сингилларимиз бандлигини таъминлашни мақсад қилганимиз. Қолаверса, ҳудудимиздаги учта тикувчилик цехи билан айна шу йўналишда ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Халқ ишонч билдирган “еттилик” вакили бу масъулиятни ич-ичидан ҳис қилиши зарур. Уларнинг дардини ўзимизникидек қабул қилсакки, муаммоларни бартараф этиш осон кечади. Бунинг учун ҳар лаҳза, ҳар он аҳоли билан ҳамнафас яшашга мажбуримиз. Шу ёндашув асосида ишлаб, фуқаролар ҳаётини ўзгартириш, уларнинг фаровон турмушини таъминлаш мумкин.

Маъмура Мамажонова тадбиркорлик сари илдам одимлаётган аёлларимиздан. У ўтган йили субсидия асосида тақдим этилган тикувчилик машинани орқали янги фаолиятни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда чеварчилик ортидан мўмайгина даромад топишни уддасидан чиқяпти. Хунарманд тикаётган аёллар либослари ва бежирим пардалар мижозларнинг ҳайратига сазовор бўлиб келяпти.

Маъмура опанинг икки нафар кизи ҳам мазкур хунар билан шуғулланиб, онасига ҳар жиҳатдан кўмаклашяпти. Кенжаси Муслима Абдурахмонова тикувчиликдан ташқари, спортнинг карата тури бўйича катта натижаларни қўлга киритиб келяпти.

Шундай ютуқларга эришаётган, ўз устидега тинимсиз ишлаётган хотин-қизларни кўрганда, ҳарасингиз келади. Лекин, афсуски, орамизда биздан ёрдам кутаётган, қийналиб кун кечираётган аёллар ҳам бор. Идорамизда мурожаат қилиб келаётганларнинг кўпчилиги тиббиёт йўналишида кўмакка муҳтож. Айримлари жарроҳлик амалиёти учун, баъзилари дори-дармон олиш бўйича ёрдам сўраб келади. Шундай вазиятларда фуқароларни ижтимоий ходимга йўналтириб, керакли хизматлар билан қамраб олишини таъминлаймиз.

Умид қиламизки, санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топишда истеъдод эгалари муносиб ҳисса қўшади. Ижодкорлар ўз асарларида янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар — Ватан, халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик каби ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадий маҳорат билан ифода эта оلسа, шубҳасиз, ўзининг ижтимоий вазифасини сидқидилдан адо этган бўлади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

“Бедана боқиб, бой бўлдик”

Беданачилик — даромади мўллиги билан кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўляпти. Хусусан, битта урғочи бедана йил давомида ўртача 250-255 тагача тухум беради. Бу кўрсаткич унинг бошқа парранда турларидан сезиларли даражада устуңлигини кўрсатади.

Машхура АЗИМОВА, Когон туманидаги “Ўба чўли” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Айни пайтда маҳалламизда истикомат қилаётган Гулноза Бозорова ҳам бедана парвариш-лаб, уларнинг сонини минг бошга етказган. У мазкур соҳа оиласи учун барқарор даромад манбаи эканидан жуда мамнун.



— Бедана гўшти ва тухуми шифобахшлиги сабабли доим талабгир, — дейди хонадон бекаси Гулноза Бозорова. — Ҳозир уйимиздаги минг бош беданадан кунига ўртача 700 донадан ошириб, тухум олишга эришяпмиз. Бир дона тухум нархи бозорда 700 сўмдан сотилаётганини ҳисобга олганда, ойига 5 миллион сўм атрофида фойда қиламиз. Қолаверса, қишлоқдошлардан буюртма бўлаётгани сабабли охириги пайтда беданани кўпайтириб, сотишни ҳам йўлга қўйдик. Шунинг ортидан рўзгоримиз кам-кўстини бартараф этиб, моддий эҳтиёжимизни қоплаяпмиз. Уқшиш ва ишдан бўш пайтда фарзандларим ҳам парранда парваришида яқиндан кўмак беряпти.

Мутахассислар фикрича, бедана тухуми товۇқникига нисбатан бир неча баробар фойдали хусусиятларга эга. Хусусан, унда калий, темир, В1 ва В2 витаминлари икки-уч баробар кўпроқ. Бундан ташқари, тухум таркибида А витамини, фосфор, мис, лизосим, кумуш ва бошқа аминокислоталар ҳам анчагина. Оксил моддаси ҳам бошқа паррандалар тухумига нисбатан юқори. Қолаверса, тансиқ таом сифатида бедана гўшти иммунитетни мустаҳкамлаш, танани қувватлантириш ва турли касалликларнинг олдини олишда фойдали экани билан жуда харидоргир.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Меҳнати кам кўринса-да, қувончи кўпга татийди



Термиз шаҳридаги “Мангузар” маҳалласида истиқомат қилувчи Ойгул Шомуродова маҳаллани обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшаётганлардан. Термиз тумани ободонлаштириш бошқармасида бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаётган бу аёл гул етиштириш йўналишида астойдил меҳнат қилмоқда.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Унинг кундалик фаолияти табиатга меҳр, юртга муҳаббат ва касбга садоқат билан йўғрилган. Ҳар куни тонг ёришмасидан, кўпчилик ҳали ширин уйқуда бўлган паллада, у туман марказий кўчаларини тозалаш, боғ ва хиёбонларни ободонлаштириш, яшил ҳудудларни парваришга каби масъулиятли ишларга киришади. Бир қарашда, Ойгул опа сингари меҳнаткаш юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати кўзга у қадар ташланмаслиги мумкин. Аммо айнан ана шундай жонқуяр инсонлар меҳнати туфайли шаҳар ва туманларимиз обод, кўчаларимиз саришта, атроф-муҳитимиз гўзал қиёфага кириб боради. Бу эса юртдошлар қалбида бунёдкорлик кайфиятини янада юксалтиради.

— Ўн уч йилдирки, ободонлаштириш соҳасида меҳнат қиламан, — дейди Ойгул Шомуродова. — Саъй-ҳаракатларим самараси ўлароқ, жорий йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Тўғриси, мукофотланганим ҳақидаги хабарни эшитиб, ҳаяжондан йиғлаб юбордим. Бундай юксак эътирофни кутмагандим. Биз, асосан, шаҳар кўчалари ва боғларда ишлаймиз. Эрта тонгдан гулзорлар ва яшил ҳудудларни парваришга, йўл ёқаларини тозалаш билан шуғулланамиз. Касбга садоқат ва табиатга муҳаббат билан яшаш нақадар бахт.

Йўл ёқаларида қишин-ёзин турфа рангдаги гуллар очилиб туриши нафақат худудга кўрк бағишлайди, балки одамлар қалбига ҳам қувонч улашади. Ойгул опа учун энг катта бахт — меҳмонлар ва сайёҳларнинг бу манзарадан завқ олаётганини кўриш.

Бугун Ойгул Шомуродова эл эъзозиде. Меҳнатни кадрлайди-кин, инсон шаъни улуғланган юрда ҳалол риққ топаётган кишининг иззати ҳам, шарафи ҳам баланд бўлади.



МАҲКУМ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА олий таълим муассасасида масофадан ўқиш имкони берилди.



Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори **ЛАТОФАТ АМИРОВАГА** Самарқанд шаҳридан икки хонали уй совға қилинди.



НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ "Prague International Chess Festival" турнирида мусобақа ғолибига айланди.

2026 йил
11 МАРТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №19

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

ЖАМҒАРМА ТЎЛИҚ ЖАМҒАРИЛИШИ, МАБЛАҒЛАР МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида йиғинлар фаолияти-ни такомиллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соҳадаги ишлар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, айрим ҳудудларда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланилмапти.



Нодир МУРОДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи.

2025 йил давомида давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан жами 6,2 миллиард сўм тушум келиб тушган. Унинг 5,1 миллиард сўми Самарқанд шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган бинони сотиш ҳисобидан шаклланган. Ваҳоланки, 2025 йилнинг тўртинчи чорагида “e-auksion” платформаси орқали маҳаллалар ҳудудидаги майдони 2 000 квадрат метргача бўлган 209 та давлат кўчмас мулк объектлари 405,6 миллиард сўмга сотилган бўлса-да, ушбу маблағлар ҳисобидан маҳаллалар жамғармаларига амалда тушумлар йўналтирилмаган.

Шу сабабли жамғарма маблағларининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш ҳолатини Уюшма доимий равишда ўрганиб, таҳлил қилиб бормоқда. Бюджет интизоми, давлат харидлари ҳамда қонун талабларига зид ҳолатлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий бошқармаларга тегишли такдимномалар киритиш тизими йўлга қўйилган.

Айни пайтда маҳаллалар инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳам мавжуд. Жумладан, мамлакат бўйлаб маҳаллаларда 2 330 та бўш турган хона мавжуд бўлиб, шундан 1 352 таси амалдаги маҳаллаларга, 1 005 таси ихчамлаштирилган маҳаллаларга тўғри келади. Агар ушбу хоналар белгиланган энг кам ижара ставкаси асосида ижарага берилса, жамғармага қўшимча равишда 17 миллиард сўмга яқин тушум келиб тушиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, маҳаллалар жамғармаси даромадларини ошириш ва маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида бир қатор вазифаларни амалга ошириш зарур.

Аввало, жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотлар базасини ҳар ойнинг 15-санасига қадар янгиллаб бориш талаб этилади. Шунингдек, маҳалла раисларининг жамғарма маблағларидан самарали фойдаланишида ноқонуний ва асоссиз тўсиқларнинг олдини олиш мақсадида туман ва



шаҳар бўлимларида Фуқаролар йиғини кенгаши қарорлари мониторинги бўйича махсус “Таблабномаларни қабул қилиш” китобларини юритиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, режа жадвали асосида жойларга чиққан ҳолда жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, маҳалла раиси ва “маҳалла еттилик”нинг ролини кучайтириш мақсадида **онлайн ва оффлайн ўқувлар ташкил этиш** муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджет прогнозининг **ортиқча бажарилган қисми** ҳисобидан жамғармага қўшимча маблағлар йўналтирилиши мумкин. Маҳалла раислари иштирокида ҳар ойда камида бир мартаба **жамғарма даромадлари ва харажатларини муҳокама қилиш** орқали маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин. Шу билан бирга, жамғарма маблағларидан самарали фойдаланаётган **маҳалла раислари тажрибасини оммалаштириш** муҳим аҳамиятга эга.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ҳилола АСАДОВА. Наманган вилояти:

— Мен I гуруҳ ногиронман ва бу йил олий таълим муассасасига киришни режалаштириман. Эшитишимча, ногиронлиги бор абитуриентлар учун қўшимча 2 фойзлик квота мавжуд экан. Ҳужжатларни қай тартибда топширишим керак?

НОГИРОНЛИГИ БОР АБИТУРИЕНТГА ИМТИЁЗ БОРМИ?

Назкат АБДУҚУНДУЗОВА, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот котиби:

— Ногиронлиги бўлган абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига кириш жараёни алоҳида тартибга солинган. Унга кўра, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат гранти асосида қўшимча 2 фойзлик қабул квотаси ажратилади. Бу квота орқали абитуриентлар кириш имтиҳонлари натижалари бўйича танловга жалб қилинади. Агар ногирон абитуриент қўшимча квота бўйича қабул қилинмаса, у тўплаган баллари билан умумий танловда ҳам иштирок этиш имконига эга бўлади.



Таъкидлаш керакки, III гуруҳ ногиронлиги бўлган абитуриентларга ушбу қўшимча квота татбиқ этилмайди. Ҳужжатлар онлайн ёки оффлайн тарзда топширилиши мумкин, бу эса ногирон абитуриентларга қўлайлик яратди.

М

азкур жамғармалар маҳалладаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолига кўмак бериш, инфратузилмани яхшилаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда, жорий йилнинг дастлабки икки ойида жамғармалар маблағлари ҳисобидан 37,2 миллиард сўмлик харажатлар амалга оширилгани муайян ишлар олиб борилаётганини кўрсатади.

Бироқ таҳлиллар айрим ҳудудларда мазкур жамғармалар фаолияти етарли даражада самарали ташкил этилмаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, I март ҳолатига кўра, 17 та туман (шаҳар)даги 872 та маҳалланинг жамғармасига умуман тушумлар келиб тушмаган. Бу ҳолат маҳаллий даражада жамғармани шакллантириш манбаларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини аниқлатади. Бундан ҳам ачинарлиси, 24 та туман (шаҳар)даги 931 та маҳалланинг жамғармалари-

да 40,7 миллиард сўм маблағ мавжуд бўлишига қарамай, ушбу маблағлардан умуман харажатлар амалга оширилмаган. Аслида, бу маблағлар маҳалладаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш, муҳтож оилаларга ёрдам бериш ва маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши лозим эди.

Айрим ҳолатларда жамғарма маблағларидан фойдаланишда белгиланган тартиб ва низоми талаблари бузилгани ҳам кузатиш мумкин. Масалан, моддий кўмак фақат “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилаларга кўрсатилиши лозим. Бироқ Уюшманинг Чимбой тумани бўлими мазкур талабга зид равишда 8 та маҳалланинг жамғармаси ҳисобидан 11 нафар фуқаронинг банк карталарига 91 миллион сўм маблағни реестрга киритилгани тўғрисида маълумотнома олинмасдан туриб ўтказган. Ҳудди шундай, Эллиқалъа туманида ҳам 5 нафар фуқаронинг ҳар бирига 14 миллион сўмдан, жами 70 миллион сўм маблағ тегишли маълумотнома олинмасдан банк карталарига ўтказилган.



Яна бир муҳим масала — маҳалла ҳудудидаги давлат кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Амалдаги тартибга кўра, майдони 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектлари ҳоким ёрдамчисининг онлайн буюртманомаси асосида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотувга чиқарилиши ва тушган маблағлар жамғармага йўналтирилиши лозим. Аммо вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, маҳалла раислари бу масалага етарли эътибор бермаётгани кузатиш мумкин.

БАҲОР БИЛАН БОШЛАНГАН ТАШАББУСЛАР КУРТАК ЁЗДИ

Баҳор нафаси сезилиши билан қишлоқларимизда жонлиги бошланади: дала-дашларда ер чопиқ қилинади, ҳайдалади, уруғ қадалади, сув чиқарилиб, деҳқончилик ишлари жадал тус олади. Айниқса, бободехқонларнинг енг шимариб далага чиқиши — юртимизда барак фаслининг бошланишидан дарак беради.

Шерзод ЙЎЛДОШЕВ, Жарқўрғон туманидаги “Жалойир” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда баҳор мавсумини самарали бошлаш мақсадида йил бошини ёшлар хатловидан бошладик. Натижада ишиз бўлган 5 нафар ёшга аукцион орқали ер майдонлари ажратишга муваффақ бўлдик. Бугун уларнинг даладаги шижоати ва меҳнатини кўриб, янада илҳомланаман.

Масалан, Шаҳзод Каримов ажратилган ерга эрта баҳорда картошка экди. Дилшод Раҳमतов сабзи ва пивё этиштиришни бошлади. Жасмина Йўлдошева эса иссиқхонага бодринг ва помидор кўчатларини қадади. Азамат Турсунов маккажўхори ва кўкат экишга киришди. Умиджон Қодиров полиз экинлари — қовун ва тарвуз уруқларини экди.



Албатта, деҳқончилик сабр ва тажрибани талаб қиладиган соҳа. Ёшларимизда шижоат етарли, бироқ айрим жойларда шошқалоқлик ҳам кузатилади. Масалан, айрим ёшлар ерга ишлов беришда тупроқни етарли даражада юмшатмасдан уруғ экиб юборди. Натижада кўчатларнинг чиқиши биров султ бўлапти. Яна айрим ҳолларда

суғориш меъёрига эътибор етарли бўлмай, сувнинг ортиқча берилиши кузатилади. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун маҳалла фаоллари билан биргаликда тажрибали деҳқонларни ёшларга бириктирдик. Улар йиғит-қизларга ерга ишлов бериш, уруғ танлаш, экинларни парваришlash ва суғориш меъёрлари бўйича ама-

лий маслаҳатлар бермоқда. Шунингдек, ажратилган ер майдонларида дарахт кўчатлари экиш ва даромадли экинлар этиштириш юзасидан ҳам тавсиялар берилди.

Ёшлар билан манзилли ишлаш — биз учун муҳим. Ҳар бир ёшнинг еридан унумли фойдаланиши, қилган меҳнатидан даромад олиши — бизнинг асосий мақсадимиздир. Бизнинг ёшларимиз шойибли хато қилиши мумкин, аммо бу табиий. Энг муҳими, уларга тўғри йўл кўрсатиш, тажриба улаштириш ва қўллаб-қувватлашдир.

Саҳифани “Mahalla” мухбири **Шаҳноза ХАЛИЛОВА** тайёрлади.





Эндиликда НИХОҶ ШАРТНОМАСИ ТУЗГАН никоҳланувчилар давлат божи тўламайди.



2026 йил 1 март ҳолатига кўра, ИЖТИМОЙ НАФАҚА ОЛУВЧИЛАР СОНИ 716 минг 507 нафарни ташкил этди.



Эҳтиёжманд оилалардаги аёллар учун олий таълимда ДАВЛАТ ГРАНТИ КВОТАСИ ИККИ БАРОБАР оширилади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Савобли амалларнинг севинчига ҳеч нарса тенглаша олмайди. Ҳаётда кимнингдир қувончи ва шодлигига сабабчи бўлишдан ортиқ бахт йўқ, назаримда. Доим одамлар билан гаплашганимда, уларга имкониятимдан ҳам кўпроқ ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламан. Маюс нигоҳларга кулги югуриши учун зиммамда катта масъулият ҳис қиламан.

“КЕРАГИДАН КЎПРОҚ КЎМАК КЎРСАТГАН КУН ҚУВОНАМАН”



Гулбека ҲАСАНОВА, Бўка туманидаги “Янгиқўрғон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Айни вақтда маҳалламизда 511 та хонадон, 708 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 59 нафари ногиронлиги бўлган шахс. Худуддаги 10 та хонадон “давлат таъминоти”да, 35 таси эса кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган.

“Еттилик” ходимлари билан биргаликда эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ манзилли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, Бегзод Абдинов ва унинг турмуш ўртоғи Манзура Шаматовга II гуруҳ ногирони бўлгани учун коммунал тўловларни қоплаш учун бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Оила вакилларининг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, чорвачилик ҳамда стол-стул ясаш бўйича иш бошлашига кўмаклашди. Шунингдек, уларга стационер даволаниш учун йўлланма олишда ҳам амалий ёрдам берилди. Бугунги кунда Абдиновлар хонадони ўз меҳнати билан рўзғор тебратиб, фаол ҳаёт кечирмоқда.

Қилинаётган ишлар қаторида Одина Муталиева оиласига кўрсатилган хизматларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Хонадон эгалари “давлат таъминотидаги оила” ҳисобланади. Аёлнинг турмуш ўртоғи ва ўғли II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Биринчи навбатда, уларга коммунал тўловлар учун моддий ёрдам кўрсатилди. Фарзандлари учун болалар нафақаси тайинланди ҳамда даволаниши учун йўлланма расмийлаштирилди. Оила бошлиғи Исомиддин Муталиев қайта ногиронлик гуруҳига чиқарилиб, унга ҳасса берилди. Фуқаро меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлгани учун худуддаги ўрта таълим мактабига техник ходим сифатида ишга жойлаштирилди. Ўғли Жамолиддин Муҳиддинов эса адаптив спорт билан шуғулланишга йўналтирилди. Бундан ташқари, рамазон ойи муносабати билан оилага бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Бу каби манзилли ёрдамлар маҳаллада эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.



Сақифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

Ютуқлар ўзимизники, бироқ камчиликлар ҳам...

Табиат — инсонга берилган бебаҳо неъматлардан бири. Уни асраб-авайлаш, ҳар бир тухфасидан унумли фойдаланиш эса барчамизнинг зиммамиздаги катта масъулият ҳисобланади. Шу маънода охириги вақтда маҳаллаларда ижтимоий аҳамиятга молик бинолар ҳамда хонадонларга қуёш панеллари ўрнатилапти.

Ҳотамжон КЕТМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи.

Айни йўналиш бўйича ўтган йили Қашқадарё вилоятида амалга оширилган ишларга назар ташласак, 64 та маҳалла биносига 2 миллиард 266 миллион сўм маблағ эвазига 5 кВт. қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилди.

Масаланинг эътиборли жиҳати, жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, электр энергиясини тармоққа сотиш бўйича бор-йўғи 19 та маҳалла шартнома тузган бўлиб, улар 8 миллион сўм маблағ ишлаб топган. Ачинарлиси, маҳаллаларга ўрнатилган 64 та қуёш панелидан атиги 14 таси ишляпти, 8 таси умуман тўхтаб қолган, 19 таси электр тармоқлари билан шартнома имзолаган, 8 таси шартнома тузиш жараёнида, 12 тасининг ҳужжатида муаммо бор, 1 та маҳалланинг кадастри йўқ.

Шунингдек, 154 та камбағал оила хонадонига қуёш панеллари ўрнатиш белгиланган бўлиб, ҳозирда 153 тасига мазкур йўналишда хизмат кўрсатилган. Лекин уларнинг 107 таси худудий электр тармоқлари корхонасига уланган, 46 таси ҳалигача уланмаган.

“Маҳалла сервис компанияси”да ҳолат қандай?

2024 йилда 16 та туман (шаҳар)да биттадан “Маҳалла сервис компанияси” биноларини қуриб, фойдаланишга топшириш учун 4 миллиард 209 миллион сўмлик шартнома имзоланган. Унга асосан, ушбу бинолар йил якунига қадар тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши белгиланган.



Бироқ орадан икки йил ўтган бўлишига қарамай, 5 март ҳолатига кўра, белгиланган режанинг атиги 74 фоизи бажарилган, холос. Хусусан, Кўқдала туманида “Олтин дала маҳалла сервис компанияси”ни қуриш бўйича 339 миллион 669 минг сўмлик шартнома имзоланган бўлса-да, 2025 йил декабрь ойида 101 миллион 901 минг сўм (30 фоиз) маблағ ўтказилган. Натижада қурилиш ишлари ҳалигача бошланмаган.

Шунингдек, Шахрисабз туманидаги “Сарчашма маҳалла сервис компанияси”да бугунги кунга қадар қурилиш ишлари 54 фоизни ташкил этмоқда. Қарши туманидаги “Омонтепа” маҳалласида 59 фоиз, Деҳқонобод туманидаги “Яшил макон” маҳалласида 71 фоиз, Яққабоб туманидаги “Чинобод” маҳалласида 78 фоиз, Қамаш туманидаги “Қамай” маҳалласида 60 фоиз, Касби туманидаги “Майманок” маҳалласида 69 фоиз, Китоб туманидаги “Денов” маҳалласида 78 фоиз ишлар бажарилган, холос.

Ачинарлиси, “Маҳалла сервис компанияси”ни солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган бўлишига қарамайдан, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан солиқ ҳисобланган ва ҳар бирига 1 миллион 700 сўмдан қарздорлик ёзилган.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Синовларда синмаган сабр

Шофиркон туманидаги “Жўшўра” маҳалласида яшовчи Дониёр Файбуллаевни туман ахли яхши танийди. Файзли хонадонидан меҳмон аримайдиган, кўнгли очик ва билим улашишга чанқоқ бу инсон ҳаёт йўлида дуч келган синовларга қарамай, матонат ва сабр билан олдинга интилиб келмоқда.



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Ёшлик чоғидаги оғир жароҳат сабаб Дониёр II гуруҳ ногиронлигини олган. Бироқ бу унинг орзу-интилишларини сўндирмади. Аксинча, ҳаётга бошқача қарашни, ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишни ўргатди.

Олий таълимни муваффақиятли тамомлағач, Дониёр ментал арифметикадан сабоқ бера бошлади. Унинг сабр-тоқати, билимга бўлган муҳаббати ва ўқувчиларга меҳр билан ёндашуви қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Бугун устоз макомига эришган йигит 70 нафардан ортиқ ўқувчига билим берапти. Шогирдлари вилоят ва республика миқёсидаги танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришапти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қанча “декрет пули” тайинланади?

Моҳира ДАВЛАТОВА, Наманган вилояти:

— Касбим ўқитувчи. 2023 йилда ҳомиладорлик таътилига чиққанман. Ҳозирда ишга қайтганимга тўрт ой бўлди, лекин шу ой яна декретга чиқаман. Менга декрет нафақаси аввалги тўланган миқдорда чиқадими?

Нодирбек ИМИНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси шўъба мудири:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, сугурта стаж ва ўртача ойлик иш ҳақига мутаносиб тайинланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақа миқдори қайта “декрет” ҳисоблашда “декрет”дан қайтиб, 3 ойгача ишлаган бўлса, 50 фоизини, 6 ойгача ишлаган бўлса 75 фоизини ва 6 ойдан кўп ишлаган бўлса, 100 фоизини тўлаб бериш белгиланган. Шунга кўра, сизга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси 75 фоиз миқдорида тайинланади.

Дониёрнинг интилиши ва лаёқатини муносиб рағбатлантириш мақсадида ижтимоий ходим ташаббуси билан унга замонавий электрон аравача олиб берилди. Эндиликда у эркин ҳаракатланиб, ўқувчилари билан турли танловлар ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Давлат кўрсатаётган эътибор ва фамжўрлик Дониёр ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Унга даволаниш учун ордер берилди, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги хизматлар билан қамраб олинди ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказига ишга жойлаштирилди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқаро ва унинг акасига уй таъмири учун моддий ёрдам ажратилди. Унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўқув маркази қуриб берилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Фаоллиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган Дониёр Файбуллаев Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этган “Инсон учун” савдо кўرғазмасида иштирок этиб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди.



2027 йилдан янги қуриладиган уйлarda “АҚЛЛИ” СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРНИ УРНАТИШ мажбурий бўлади.



2025 йил ўтказилган давлат харидларида 28 мингдан ортиқ РАҚОБАТГА ЗИД ҲОЛАТЛАР аниқланди.



Ўзбекистонда АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ қуриладиган ҳудуд ва майдончаларга қўйиладиган талаблар тасдиқланди.

2026 йил
11 МАРТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №19

7

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖАРАЁН

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ЎҚИМАГАН “УСТОЗ” ҲАР БИР БОЛАНИ 100 АҚШ ДОЛЛАРИГА ЎҚИТГАН

Юртимиз маҳаллаларида, “пойтахт намунаси” йўлга қўйилиб, хавфсиз муҳит ва жиноятдан холи ҳудуд яратиш бўйича кенг қамровли, манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўляпмиз. Аммо баъзи фуқаролар хонадонига келган ички ишлар ходимига эшикни очмайпти ёки айримлар уйма-уй юриб, рўйхатга олиш шартми, деган маънода эътироз билдирапти.



ундай инсонларга айтар сўзимиз бор — ички ишлар ходимлари, профилактика инспектори зерикканидан хонадонга бормайди. Аксинча, шу бодорлик ортида сизу бизнинг тинчлигимиз ётибди. Бухоро вилоятида рўй берган воқеа мисолида фикримизни асослашга уринамиз. Бухоро шаҳридаги маҳаллаларда “пойтахт намунаси” асосида “хонадон-бай” ўрганиш олиб борилганида, келажагимиз билан боғлиқ жиноий ҳаракатга нуқта қўйилди.

Гап шундаки, асли Сурхондарё вилоятида доимий рўйхатда турувчи фуқаро Бухорода воёга етмаганларга ноқонуний диний таълим бериб, ҳар бир боладан 100 АҚШ доллари миқдорига хизмат ҳақи олган. Энг ачинарлиси, 5 нафар ота-она боласини мактабга юбормай, ҳафтанинг душанба куни шу аёлнинг манзилига ташлаб, шанба куни олиб кетган. Текширишлар давомида ноқонуний дарс ўтиб келган “устоз”нинг ўзи ҳеч қандай махсус диний маълумотга эга эмаслиги аниқланди. Шу асосида Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича унга чора белгиланди.

Аммо масаланинг бошқа жиҳати бор. Бу ишга йўл очиб берган ота-оналар-чи? Мактаб нега ҳафталаб келмаган ўқувчи тақдирини билан қизиқмаган? Бу саволлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларини ҳам ўйлантирди. Шу боис ота-оналарга нисбатан ҳам чора кўрилди. Улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига асосан жазоланди.

Биргина шу иш доирасида таълим муассасаси — ота-она — маҳалла ҳамкорлиги нақадар зарурлигини кўриш мумкин. Агар уларнинг бирортаси ишлаганса, барча ҳаракатлар самарасиз тугаши аниқ.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.

БЕХАВОТИР КУНЛАР УЧУН “ЕТТИЛИК”НИНГ БАРЧАСИ БИРДЕК МАСЪУЛ

...Алишер (исми ўзгартирилган) ичкиликка ружу қўйган, шунинг ортидан оила нотинч эди. Фарзандлар тарбияси бир муаммо бўлса, рўзғор юқини кўтариш яна бир бошоғриқ бўларди. Ишни профилактик суҳбат ўтказишдан бошладим, муаммонинг сабабини аниқладим. Асосий омил — ишсизлик экан. “Еттилик” билан кенгашиб, оила бошлиғини ишга жойладик. Натижада у соғлом турмуш тарзига қайтди.



Юқоридаги мисолдан билиши мумкинки, ақсарият жиноятлар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу сабабли аҳолини, айниқса, ешларни иш билан таъминлаш долзарб вазифага айланган.

Маҳалламиз Навоий вилояти билан чегарадош жойлашган бўлиб, 3 664 нафар аҳоли истиқомат қилади. Этиборлиси, бу ерга ҳам ҳаётбахш ислохотлар етиб келган. Олиб борилган ободончилик, бунёдкорлик ишлари ёшу кексани янги мақсад, ташаббусларга ундаяпти.

Ҳаётимизни, оилаларимиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айро тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода “еттилик” фуқароларнинг барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда, уларга қўлай шарт-шароит яратишда муҳим тизимга айланди. Айниқса, жиноятчиликнинг олдини олишда бу ҳамкорлик жуда асқатапти.

Зиммамиздаги вазифа аниқ — маҳалла тинч-осойишта бўлишини, аҳоли хотиржам, беҳавотир яшашини таъминлаш.

Сардор ТЕМИРОВ,
Пахтачи туманидаги Мирзо Нодим номидаги маҳалла профилактика инспектори.

Шу мақсадда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштиряпмиз. Нотинч оилалардаги муҳитни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилиниб, бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Аввалги йиллар билан солиштирганда, тизимда кўп янгилик жорий этилди. Масалан, яқингача бир нафар профилактика инспектори учтагача маҳаллага жавоб берарди, қишлоқ жойларида бир ходим 5-7 минг нафаргача аҳолига хизмат қилган. Ҳозир вазият яхши-чикарувчи омиллар таҳлил қилиниб, бартараф этиш чоралари кўриляпти. Энди битта инспекторга бириктирилган аҳоли сони 3 минг нафардан ортиқ эмас.



Тинчликни таъминлаш, маҳалладаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат профилактика инспекторининг зиммасидаги вазифа эмас. Бежизга “еттилик” ташкил этилмайди. Шу боис жойларда, аҳоли гавжум нуқталарда ички ишлар бўлиmlари, бўлинмалари ташкил қилинган. Ушбу муассасалардаги ходимлар, терговчилар, саф бўлинмалари, умуман олганда, ички ишлар органларининг барча ходимлари ёрдамчи сифатида ишлаяпти. Натижада йилдан-йилга жиноятлар камайиб борапти. Лекин бу қувонишга асос эмас. Қачонки, бирорта ҳам кўнгилсиз ҳолат қайд этилмаса, ишимиздан қониқамиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҚАРЗ “ДОЛЛАР” ДА БЕРИЛСА, УНДИРИШ “СЎМ” ДА БЎЛАДИ



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Набижон БАРАТОВ.
Учкудук тумани:

— Бир танишимга қарз сифатида чет эл валютасида пул берганман. Белгиланган муддат ўтиб кетса ҳамки, пулимни ололмадим. Ушбу ҳолатда ҳаққимни чет эл валютасида ундириш юзасидан судга мурожаат қилсам бўладими?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Ўз ҳаққингни ундириш учун судга мурожаат қилиш шахсий ҳуқуқингиз. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Валютанинг тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни талабига кўра, мамлакатимиз ҳудудида товарлар, ишлар, хизматлар учун барча ҳисоб-китоб ва тўловлар миллий валютада амалга оширилиши белгилан-

ган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 245-моддаси талабидан келиб чиқиб, пул мажбуриятида сўмлар билан чет эл валютасида муайян суммага эквивалент бўлган суммани тўланиши лозимлиги назарда тутилган. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгилади. Демак, гарчи сиз чет эл валютасида пул берган бўлсангиз ҳам, қарзингиз миллий валютада ундириб берилди.



Ушбу сон саҳифалардаги барча мақолалар матнини мусаххих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВА

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 830 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

ISSN 2030-7013



“УЙИНГИЗ ОБОД БЎЛСА, КЎЧАНГИЗ ОБОД БЎЛАДИ,
МАҲАЛЛАНГИЗ ОБОД БЎЛСА, ҚАЛБИНГИЗ ОБОД БЎЛАДИ”

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ, ФАОЛЛАР ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖАТИ



Хурматли юрдошлар! Азиз маҳаллодошлар!

Обод ҳаёт тушунчаси азал-азалдан халқимиз онгу тафаккурида, авваламбор, фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, кўт-баракка маъносини ўзида мужассам этиб келган. Ободлик нафақат ташқи муҳит, балки қалб ва кўнгил покликдан бошланган.

Обод ҳаёт, бу — инсоннинг ўз уйини, маҳалласини, юртини гуллаб-яшнаши ва ўз ҳаётдан мамнун бўлиб яшашидир. Чунки поклик, тозалик бор жойда фойз-баракка, ишда унум, аҳоли кайфиятида кўтаринчилик бўлади.

Шукрки, бугун юртимиз тинч ва осойишта. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бормоқда, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги тараққиёт шиддатига ҳамоҳанг, уйғун. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотларнинг ёрқин натижалари кўп миллионли халқимизда жонанжон Ватанимизнинг саранжом-сарийшта, файзли бўлишига ҳиссамизни қўшсак, бу гўшалар чинакам обод мустаҳкамларга айланади.

Мана шундай жараёнда маҳаллаларимизни янада обод қилиш, фаровон турмуш кечирish барчамиздан катта масъулият, фидойилик ва жонқуярликни талаб этади. Зеро, осойишта, аҳил оилалар обод жамиятини барпо этади, обод маҳаллалар эса юрт тараққиётига хизмат қилади. Шундай экан, тозалик, покликни ўз уйимиздан бошласак, ўз маҳалламиз, кўчамизнинг саранжом-сарийшта, файзли бўлишига ҳиссамизни қўшсак, бу гўшалар чинакам обод мустаҳкамларга айланади.

Обод маҳаллалар, шубҳасиз, саришта кўча ва хонадондан бошланади. Эрта саҳарда туриб, кўча-ҳовлиларимизни супуриб-сидириш, ён-атрофга сув сепиш, ариқларни тозалаш, турфа гуллар экиш қайси хонадонга чирой бағишламаган, фойз киритмаган дейсиз. Бу борада хонадон соҳибларига, азиз опа-сингилларимизга маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, уларни яратувчанлик гошларига ундашда биз **маҳалла фаоллари, пир у бадавлат нуроний оқсоқолларимизга суйнамыз, ёшларимизнинг фидойилиги, ташаббускорлигига таянамыз.**

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимиз ободлиги, кўчаларимиз кўрки, хонадонларимиз файзини ошириш, унда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича жорий йилнинг февраль-март ойларини **руҳан поклик, маънан етуклик, фикран янгилашига интилиш даври**, деб таърифлаш мумкин. Бунинг боиси бор, албатта. Бу давр **“Тозалик ва озодлик” ойлиги** деб эълон қилинди. Унинг доирасида **ҳар ҳафта шанба кунлари оммавий ҳашарлар** ташкил этилди.

Эндиликда халқимиз учун эзгулик ва шукроналик тимсоли бўлган кўтлуғ **Рамазон ойини** муносиб ўтказиш, **Наврўзи умумхалқ байрамига** тайёргарлик кўриш ва уни муносиб тарзда нишонлаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб **13-14 март (жума-шанба) кунлари “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари** ўтказилади.

Ҳашарни юқори савияда ўтказиш мақсадида **ҳар бир маҳаллада** ҳашар давомида амалга оширилаётган ишлар **“кўчабай”** ва **“хонадонбай”** белгилаб олинди. Жумладан, жараёнда **26,3 минг гектардан** ортиқ майдон ободонлаштирилади, **20,8 минг тоннадан** зиёд чиқиндилар чиқариб ташланади, **18,6 минг километр** узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланмади. **11 мингдан** ортиқ қабристон ободонлаштирилади ва таъмирланади.

Шунингдек, **665 та** зиёратгоҳ ва **159 мингдан** ортиқ кўча тартибга келтирилади, **21,6 миллиондан** зиёд дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилади. **“Яшил макон” лойиҳаси** доирасида маҳаллаларнинг ички кўчалари ва аҳоли томорқалари атрофига **4,5 миллиондан** зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича **28 минг 312 та** кам таъминланган оиланинг **480,5 минг метр квадратдан** зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланади, **38 минг 706 та** кам таъминланган оиланинг томорқа майдонларига экинлар экилади. **37 минг 216 та** эҳтиёжманд оила, шу жумладан, **14 минг 585 нафар** ногирон ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилади.

Ҳашарга **17,1 миллион нафардан** ортиқ аҳолининг банд бўлмаган қатлами, биринчи навбатда, **9,1 миллион нафардан** ортиқ ёшлар **ихтиёрийлик асосида** жалб қилинади.

Қадрли маҳалла фаоллари!

Маҳаллаларимиз қиёфаси фаолиятимиз натижасини кўрсатадиган омиллاردан бири эканини унутманг! Бунинг учун **ҳар битта “Маҳалла еттилиги” вакиллари, уйбоши ва кўчабошилар, нуронийлар, имом-хатиблар, жамоатчилик тузилмалари аъзолари** ҳар бит кўча, хонадонда тартибли дастуриламалига айланмоғи шар!

Бугун юрт ободлиги, йиғинлар фаровонлиги йўлида бирлашишнинг айнаи фурсати. Ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллалар ободлиги йўлида масъулиятни маҳалла раиси сифатида зиммангизга олиб, одамларни бир мақсад йўлида сафарбар этинг! **Ижтимоий масъулият, меҳнат тарбияси, дахлдорлик туйғусини кучайтиринг!** “Маҳалла еттилиги” билан елкама-елка ишлаб, ҳашарни ҳар бир кўча, хонадонда тартибли ташкиллаштиринг!

Ўз маҳалладошларингизга намунавий хонадон, намунавий кўча қандай бўлиши кераклиги борасида амалий ишларингиз, ибратли ташаббусларингиз, чинакам жонқуярлигингиз билан ибрат кўрсатинг!

ЭНГ МУҲИМИ, БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ, МАВЖУД ИМКОНИАТ ВА ШАРОИТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА БОШ-ҚОШ БЎЛИНГ!

Аҳолида томорқа маданиятини юксалтиришда **ҳоким ёрдамчиларининг** саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу — ҳар бир хонадонда **ердан самарали фойдаланиш, оила фаровонлигини оширишга** қаратилган муҳим омилдир.

Ҳашар кунларида эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, яққа-ёлғиз кексалар ва “маҳалла еттилиги” кўмагига муҳтожлар ҳолидан хабар олиш доимий эътиборингиз марказида бўлсин. Оғир ҳаётини вазиётидаги оилаларни қўллаб-қувватланг. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатинг.

ЗОТАН, ҲАШАР МАҲАЛЛАЛАРДА БИРДАМЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ЭЗГУ АНЪАНА, БЕҚИЁС ҚАДРИЯТИД.

Ёшлар — Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор кучи! Халқимиз қўзғалтган юксак марраларга эришишда уларнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоати, она Ватанга бўлган садоқати тенгсиздир. Маҳаллалар ободлигини таъминлашда барчамиз ёшларга суйнамыз ва таянамыз!

Шу сабабли она заминимизга меҳр бериш, ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча, ҳар бир маҳаллада ташаббускор бўлишда Сиз — **ёшлар етакчилари** маҳалладаги йигит-қизларга қанот бўлинг! Тенгдошларингизни бунёдкорликка, ободликка чорланг. Улар билан ҳар бир маҳаллада яққа-ёлғиз, ногиронлиги бор нуронийлар ҳолидан хабар олинг, уй юмушларига кўмаклашинг.

АСЛО УНУТМАНГ, СИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИСИЗ, СИЗНИНГ ХИССАНГИЗ — БУ ОТА-ОНАНГИЗ, МАҲАЛЛАНГИЗ ВА БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Халқимизда **“Кўш уясида кўрганини қилади”**, деган гап бежиз айтилмаган. Чинакам инсоний туйғулар, аввало, оила бағрида камол топади. Фарзандларимиз қалбида ободликка меҳр уйғотиш, атроф муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялашда оиланинг ўрни ва таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маҳаллалардаги оилалар билан ишлашда айнаи шу жиҳатларга эътибор қаратиш **хотин-қизлар фаоллари** зиммасидаги бирламчи вазифадир. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож яққа-ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган отахон ва онахонларнинг хонадонларини озода ва саришта хонадонга айлантиришда хотин-қизлар фаолининг ҳиссаси катта.

БИЛИНГ, АЙНАН СИЗНИНГ КЎМАГИНГИЗДА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ҚИЗЛАРИМИЗ, КЕЛИНЛАРИМИЗНИНГ ЭРТА САҲАР ТУРИБ ҲОВЛИЛАРГА СУВ СЕПИШИ, КЎЧА ЭШИК ОЛДИНИ СУПУРИШИ КАБИ ФАЙЛАТЛАРИНИ ЯНА ҚАЙТАДАН ЖОНЛАНТИРИШ, ОММАЛАШТИРИШ МУМКИН.

Хонадонларга кирганда руҳан тушкун кайфиятдаги **имконияти чекланган, ижтимоий реестрда бўлган оилалар, ижтимоий кексалар** ва ногиронлар ҳамда оғир аҳволдаги шахсларни зарур воситалар, дори-дармонлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда **ижтимоий ходимлардан** яқинроқ бўладиган инсон топилмас керак. Шундай экан, улар билан яқин инсонингиздек суҳбатлашиб, келажакка умид ва ишонч берадиган лойиҳаларга жалб этинг. Улар ҳамиша ёнида эканингиз ва қўллаб-қувватлаётганингизни ҳис қилиб турсин.

Айниқса, ҳашар кунларида эҳтиёжманд, яққа-ёлғиз, ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтиринг! **Муборак Рамазон ойи, Наврўзи байрами шукҳунини** ҳар бир оилага олиб киришда “маҳалла еттилиги” вакиллари билан ҳамжиҳатликда ишланг!

МАҲАЛЛАДА ИЖТимоий ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШДА СИЗНИНГ ФАОЛЛИГИНГИЗ, ТАШАББУСКОРЛИГИНГИЗ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА!

Худудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, йиғилган чиқиндиларни чиқариб ташлаш, ўзбошимча чиқинди ташлаш ҳолатларини аниқлаб чоралар кўриш, айниқса, ҳашар кунларида жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг фойдаланиш тартибини таъминлашда **профилактика инспекторларининг** амалий тажрибаси фойда муҳим. Уларнинг кўмаги орқали аҳолида дахлдорлик туйғусини орттира олсак, ҳудуд ҳамиша тоза, ораста ва ортиқча чиқиндилардан холи бўлади.

ҚАЧОНКИ, ҲАР БИР МАҲАЛЛА ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА, ОБОД МАСКАНГА АЙЛАНСА, БУНДАЙ ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ, КЕЛАЖАККА ИНТИЛИШ, ЯХШИ ЯШАШГА ИШОНЧ ПАЙДО БЎЛАДИ.

Шунингдек, умумхалқ ҳашарининг корхона ва ташкилотларда иштироки озода ўтказилишида, албатта, **солиқ инспекторларининг** фаолиги ниҳоятда асқатади. Ҳашар муносабати билан маҳаллада жойлашган ташкилотларда ходимларнинг иштироки иш ҳақи маблағи Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси ҳисобрақамига ўтказилишида айнаи улар ташаббускор бўлмоғи зарур.

Чунки мазкур маблағлар эҳтиёжманд, меҳр-муруватга муҳтож, боқувчисиз қолган ёлғиз кексалар,

ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳаллаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Умуман олганда, **ҳашар шунчаки бир-икки кунлик тозалов тадбири эмас, балки маҳалланинг ҳар бир қаричини обод қилишга қаратилган тизимли ҳаракатдир.** Бу жараёнда Сиз — **“маҳалла еттилиги”** аъзолари асосий ташкилотчи ва ташаббускор сифатида намоён бўлмоғингиз лозим!

Маҳалла ёшлари ва аёлларни янада фаол иштирок этишга чорланг! Ҳар бир фуқарода **“Менинг маҳаллам — менинг уйим”** деган туйғуни шакллантиринг! Ҳашар кунлари миллий қадриятларимиз намойиши, миллий либослар тарғиботи, улан ва лапарлар ижроси, шунингдек, бахшичилик ва халфачилик санъати намуналарини намойиш этишга киришинг!

Ҳашарнинг ажралмас қисми, бу — **катта дошқозонларда сумалак қайнатилиши, миллий таом — ош дамланшидир.** Бу аънана маҳалла аҳолини бир дастурхон атрофида жипслаштиради, узаро суҳбатлар орқали кўшничилик ришталарини мустаҳкамлайди. Меҳнатдан бўш вақтда **миллий уйинларимиз** — арқон тортиш, тош кўтариш, кураш тушиш, турли ҳаракатли уйинларни ташкил этиш нафақат завқли машғулот, балки **миллий ғоя ва мақсадларни ривожлантирадиган, бирдамлик ва бағрикентликни мустаҳкамлайдиган воситалардир!**

Қадрли маҳаллодошлар!

Ободлик кўнгилдан, кўнгилнинг ободлигидан ва халқ розилигидан бошланади. Унутмаслигимиз лозимки, **ободлик бор жойда кўт-баракка, доимий ривожланиш ва келажакка ишонч устувор бўлади.**

Фарзандларимизга болаликдан поклик тарбиясини ўргатайлик! Меҳнат тарбияси, бу — поклик тарбияси! Муборак Рамазон ойининг файзу тароватини ҳар битта хонадон, маҳаллада ҳис қилайлик! Яшариш ҳамда янгилашнинг рамзи бўлмиш миллий байрамимиз — **Наврўзи оламга тайёргарликни** бугундан бошлайлик! Маҳаллаларда, шаҳар ҳамда қишлоқларда ҳашарлар, ободлик тадбирларини ўтказайлик!

Ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлсак, бир-биримизни қўллаб-қувватласак, маҳалланинг қурб етмайдиغان ишининг ўзи қолмайди, худудда қийналган, эҳтиёжманд оилалар бўлмайди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш нафақат мажбуриятимиз, балки муқаддас бурчимиздир! **Бурчни адо этишда Сиз — “маҳалла еттилиги” аъзолари, фаоллар, нуронийлар, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакилларида билим ва малака, тажриба ва маҳорат, энг муҳими, иштак ва имконият етарли.**

Зиммангиздаги вазифаларни ҳалол ва виждон амри билан бажариб, Сизга билдирилган ишонччи оқлаш учун бор куч ҳамда имкониятингизни сафарбар этишингизга ишонамиз.

Зотан, жонанжон Ўзбекистонимиз, бу — кўркам ва гўзал кўчалар, файзли ва тароватли хонадонлар, обод ва фаровон маҳаллалар мажмуасидир!